

Аллоҳнинг ҳузурида сўралмайманми?



08:02 / 15.04.2020 1477

Яҳё ибн Абу Касирдан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазизнинг ўлим соати келгач, у йиғлади. «Нимага йиғлаяпсиз, эй мўминларнинг амири? Сиз туфайли Аллоҳ кўп суннатларни тирилтирди, адолатни зоҳир қилдику», дейишди. Умар яна йиғлади ва: «Ахир Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида халқим ҳақида сўралмайманми? Аллоҳга қасамки, гарчи мен уларга адолат қилган бўлсам ҳам, бунинг ҳужжати талқин қилинмагунча Аллоҳ ҳузурида уларга ҳужжат келтира олмасликдан кўрқаман. Шунча ишлардан сўнг қандай қилиб хотиржам бўламан», деди. Кейин кўзлари юмилди. Бир муддат ўтгач, вафот этди. Аллоҳ уни раҳматига олсин».

«Солиҳлар гулшани» китобидан